«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«15» 04 2019 y. № 7

# ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
# ПОСТЕРИЗАН®

**Препаратнинг савдо номи:** Постеризан®
**Дори шакли:** ректал суппозиторийлар
**Таркиби:**
Бир суппозиторий қуйидагиларни сақлайди:
*фаол моддалар*: бактерия культурасининг стандартлаштирилган суспензияси (БКС) (таркибида фаолсизлантирилган ва макс. 6,6 мг суюқ фенол билан консервацияланган 6,6 x $10^8$ *E.coli* сақлайди) 387,10 мг;
*ёрдамчи моддалар*: қаттиқ мой, макроголглицеролгидроксистеарати.
**Таърифи:** оқ рангдан оч сариқ ранггача бўлган, ўзига хос фенол ҳидли бир хил суппозиторий.
**Фармакотерапевтик гуруҳи:** геморрой ва анал тешикларини даволаш учун маҳаллий қўлланиладиган восита.
**АТХ коди:** C05AX

**Фармакологик хусусиятлари**
Постеризан® нинг фаол ингредиенти – ичак таёқчаси бактериясининг (*E.coli* БКС) фаолсизлантирилган культуралари суспензияси.
***Фармакодинамикаси***
*E.coli* БКС терига ва шиллиқ қаватга суртилганда специфик (ўзига хос) ва носпецифик (ўзига хос бўлмаган) иммун механизмларни рағбатлантиради.
Иммунитетнинг Т-тизимини рағбатлантиради, лейкоцитларнинг ва ретикулоэндотелиал тизим ҳужайраларининг, носпецифик иммунитетнинг гуморал қатор омилларининг фагоцитар фаоллигини оширади. Таъсир этиш жойида антителаларнинг ҳосил бўлишини ва ҳужайра пардаларининг концентрацияланган полисахаридлари ва турли штаммдаги, шу жумладан антибиотикларга ва бошқа антибактериал воситаларга нисбатан барқарор бўлган ичак таёқчалари метоболитларини ва тўқималарнинг маҳаллий резистентлигини оширади. Экссудацияни камайтиради, қон томирларининг ўтказувчанлиги ва тонусини меъёрлаштиради, шикастланган тўқималар регенерациясини рағбатлантиради.
***Фармакокинетикаси***
*E.coli* БКС ректал қабул қилинганидан сўнг ичакнинг шиллиқ қаватига тез сўрилади. *E.coli* БКСнинг сўрилиш даражаси, миқдори ва уни организмдан чиқарилишини препарат маҳаллий қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш имкони йўқ. Бироқ, *E.coli* БКС иммуноген ингредиентиларнинг ўтиши лаборатория ҳайвонларининг тўғри ичаги шиллиқ қаватида ўтказилган иммуногистологик тадқиқотлар ёрдамида аниқланган.

**Қўлланилиши**
-анал соҳани қичишиши, геморрой натижасида анал соҳасидан ажралмалар ва ачишишлар;
-анал соҳасидаги ёриқлар, экземада қўлланади.

**Қўллаш усули ва дозалари**
Суппозиторий эрталаб ва кечқурун, шунингдек ҳар бир дефекациядан сўнг қўлланилади.
Суртма ва суппозиторийларни бирга мажмуавий қўллаш мумкин.

Касаллик симптомлари бартараф қилинганидан кейин самарани барқарорлаштириш ва қайталланишни олдини олиш учун даволашни 2–3 ҳафта давом эттириш керак.

**Ножўя таъсирлари**

*Кам ҳолларда*

– терида аллергик реакциялар (масалан, фенол консервантига)

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- препаратнинг компонентларидан биронтасига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

**Дорилар билан ўзаро таъсири**

Таърифланмаган.

**Махсус кўрсатмалар**

*Ҳомиладорлик ва лактация*

Ҳомиладорлик, шунингдек лактация даврида қўллаш мумкин.

*Педиатрияда қўлланиши*

Постеризан®ни болалар учун самараси ва хавфсизлиги аниқланмаган. Бактерия культурасини стандартлаштирилган суспензияси (*E.coli* БКС) компонентлари болалар учун потенциал хавф туғдирмайди.

*Дори воситасининг транспорт воситаларини бошқариш ва потенциал хавфли механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир қилиш хусусиятлари*

Таъсир кўрсатмайди.

**Дозани ошириб юборилиши**

Дозани ошириб юбориш ҳоллари ҳақида маълумотлар келтирилмаган

Тасодифан перорал қабул қилинганида (болалар томонидан) қоринда оғриқ, кўнгил айниши юзага келиши мумкин.

Дозаси ошириб юборилган ҳолларда – симптоматик даволаш буюрилади.

**Чиқарилиш шакли**

5 суппозиторийдан алюмин фольгали контур уяли ўрамга жойланади.

2 контур ўрамдан давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

25°Сдан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

**Яроқлилик муддати**

3 йил

Яроқлилик муддати тугагач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

Др. Каде Фармацевтика фабрикаси ГмбХ,

Ригиштрассе, 2, 12277 Берлин, Германия

**Рўйхатдан ўтказганлик гувоҳнома эгаси номи ва давлат**
Др. Каде Фармацевтика фабрикаси ГмбХ, Берлин, Германия

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**
Ўзбекистон Республикасидаги масъул вакили Вайц Ирина Валерьевна
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., а/қ 4218-сонли Асосий почта бўлими.
Телефон: +99897 157 55 66
e-mail: vaytsirina@gmail.com.